

## МИНТАҚАДА ХИЗМАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АҲОЛИ ТУРМУШ СИФАТИ ЎСИШИНING МУҲИМ ОМИЛИ

Худаярова Чарос Юсуповна, ҚарМIII, “менежмент”  
мутахассислиги магистранти

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимизда хизматлар соҳасини ривожлантириш аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашда, истеъмолчининг эҳтиёжини юқорироқ даражада қондирилишида, ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқаришда ҳудудлардаги имкониятлардан кенгроқ фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам республикаимизда мазкур соҳани ривожлантириш ҳукуматимиз олдида турган ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш биринчидан, аҳолининг хизматларга бўлган талабини қондирса иккинчидан, минтақа иқтисодиётини ривожлантириш, минтақа ялпи ҳудудий маҳсулотини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Минтақада хизматлар соҳасини ривожлантиришда аввало, хизматлар соҳасининг ўзига хос хусусиятларини билмоқ зарур. Хизматлар моддий-ашёвий маҳсулотлардан фарқ қилади. Одатда хизматлар соҳаси тадқиқотчилари унинг хусусиятларини моддий-ашёвий товар хусусиятлари билан таққослашади. Бунда олимлар таъриф беришдан кўра, бир фикрга келишлари осонроқ бўлади, бироқ ҳар хил фикрлар ҳам пайдо бўлади. Кўпинча хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни айтиб ўтишади: улар ҳаракат ёки жараёнини ифода қилишади, номоддий бўлишади, уларни сақлаб бўлмайди, уларнинг сифати моддий-ашёвий товарларга нисбатан кўпроқ ўзгарувчан бўлади ҳамда хизматни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш бир вақтда содир бўлади. Мисол учун, Россиялик иқтисодчи олим А.В.Раков хизматларнинг хусусиятларини қуйидагича таърифлайди<sup>1</sup>: - хизматлар хизмат кўрсатиш ва хизмат натижасини истеъмол қилиш жараёнининг бирлиги билан ифодаланади; объекти ва натижасига қараб хизматлар моддий ва номоддийларга ажратилади; - кўп ҳолатларда хизматнинг субъекти (ижрочиси) бўлиб хусусий тадбиркор ёки кичик корхона ҳисобланади; - кўп ҳолларда истеъмолчи (инсон) хизмат кўрсатилишининг объекти бўлади ва (ёки) хизмат кўрсатиш жараёнида бевосита иштирок қилади; - хизмат кўрсатиш ва хизматни истеъмол қилиш бир вақтнинг ўзида содир бўлиши мумкин (қоида тариқасида, хизмат кўрсатилиши ва истеъмол қилиниши индивидуал хусусиятга эга бўлади), хизматлар соҳасида қўл иши юқори бўлади, ва ушбу ишнинг сифати ишчи ходимларнинг маҳоратига боғлиқ бўлади; - одатда хизматларнинг ижрочиси хизматлар натижасининг эгаси бўлиб ҳисобланмайди; -

---

<sup>1</sup> “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2016 йил

хизматлар маҳаллийлашган бўлишади, уларни ташиш имконияти бўлмайди, улар ҳудудий хусусиятга эга бўлишлари мумкин; - баъзи хизматларни сақлаб бўлмайди.

Хизматларнинг юқоридаги моддий товарлардан фарқлантирувчи хусусиятлари хизматлар бозори хусусиятларини асослайди. Хизматлар бозори бозор иқтисодиётининг умумий қонунларига бўйсунди ва товарлар бозори билан биргаликда унинг ўхшаш ва фарқли томонлари кўриб чиқилади. Минтақа иқтисодиётини ривожлантиришда хизматлар бозорининг хусусиятлари ҳақида чуқур билим ва кўникмаларга эга бўлиш лозим. Чунки айнан хизматларга бўлган талаб ва таклиф, олди-сотди жараёнлари хизматлар бозорида шаклланади ва рўй беради. Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари М.Қ.Пардаев ва Ҳ.Н.Мусаевлар хизматлар бозорининг хусусиятларини қуйидагича таърифлайдилар: - юқори динамизм; - ҳудудий бўғинлаштириш ва локал тавсиф; - қайта ишлаб чиқиш цикли туфайли капитал айланишининг юқори тезлиги; - кичик ва ўрта корхоналарнинг кўпчилиги, шунингдек хизматларни юклаш, тушириш ва тахлашнинг имконияти бўлмаганлиги туфайли уларнинг бозор конъюктурасига юқори сезгирлиги; - ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги шахсий алоқа билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш жараёнинг хусусиятлари; - кўпчилик тармоқлардаги маҳсулотнинг юқори дифференциаллашуви; - хизматларни кўрсатишда кўпчилик ҳолатларда натижани олдиндан билиб бўлмаслик; - ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги ахборот бўйича мутаносибликнинг мавжуд эмаслиги. Мамлакатимизда хизматлар соҳаси учун қулай имкониятлар яратиш борасидаги изчил ислоҳотлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясида, мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгилаб берилди<sup>2</sup>. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналиши **“Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”** деб номланди. Бу йўналиш таркибига кирувчи асосий устувор вазифаларнинг иккинчи йўналиши эса **“Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш”** деб номланиб унда **“хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, хизматларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш”**

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

номли вазифа алоҳида белгилаб берилган. Бу шундан далолат берадики, мамлакатимизда сўнги йилларда хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришга ҳукумат даражасида берилаётган эътибордир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда хизматлар соҳаси ривожланишига ижобий ва салбий таъсир кўрсатувчи омилларни, жумладан туризм хизматлари мисолида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Туризм ва туризм хизматларини янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар қуйидагилар:

- ✓ мамлакатимизда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг мавжудлиги;

- ✓ кўп асрлик тарихий ривожланишни ўзида акс эттирувчи ўзига хос маданий мероснинг мавжудлиги ва республикамизнинг диний-тарихий обидаларга бой эканлиги;

- ✓ мамлакатимизнинг географик нуқтаи назардан Марказий Осиёнинг марказида жойлашганлиги;

- ✓ барча транспорт турлари тизими ва транспорт коммуникациясининг ривожланганлиги;

- ✓ мамлакатимизнинг ўзига хос, уникал табиий-иқлим шароитларига эга эканлиги;

- ✓ мамлакатимизда рекреацион ва гидроминерологик ресурсларнинг мавжудлиги;

- ✓ Ўзбекистонда халқ ҳунармандчилигининг тараққий топганлиги;

- ✓ ички транспорт инфратузилмасининг ривожланганлиги, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан халқаро ҳаво йўллари орқали алоқаларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Шу билан бир қаторда туризм ва туризм хизматлари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар билан бир қаторда салбий таъсир кўрсатувчи омиллар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- ✓ тариф муаммолари: тур билетлари қиймати, меҳмонхона хизматлари нархлари ва транспорт харажатларининг юқорилиги;

- ✓ маъмурий характердаги муаммолар: визалар бериш, божхона жараёнларининг мураккаблиги;

- ✓ ахборот билан таъминлашдаги муаммолар: интернет тармоқлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали, аэропортларда ва вокзалларда, транспортларда кенг ва доимий рекламанинг мавжуд эмаслиги, Республикада туризм статистикаси тўғрисида сифатли ахборотнинг мавжуд эмаслиги;

- ✓ қўшни мамлакатларда (Афғонистонда) сиёсий барқарорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ✓ Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари томонидан кучли рақобатнинг мавжудлиги ва бошқаларни келтириш мумкин.